

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат


1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 31 июль, № 151 (4561) Пайшанба

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир

Чиндан ҳам, Президент Ислам Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш асослари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, иқтисодий ўсишга эришишда, авваламбор, кенг қўламли тизимли бозор ислохотларини жорий этиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилишга қаратилган ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсатнинг амалга оширилиши катта аҳамиятга эгадир.

Иқтисодиётимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш учун пухта замин бўлиб хизмат қилмоқда. Зотан, иқтисодий тараққиёт хорижий давлатлар билан ҳамкорлик, чет эл сармоясини кенг жалб этиш, юқори технологияларни ўзлаштиришга ҳам боғлиқ. Шу босис мамлакатимизда чет эллик шериклар билан ҳамкорликда ташкил этилган корхоналарнинг фаол иш юритиши, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиши учун барча имкониятлар яратилган. Кенг қамровли хусусийлаштириш жараёни



СУРАТДА: корхона ичкиси Ориф Тўлагов. Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.

чет эллик сармоядорларнинг мамлакатимизга сармоя киритишга қизиқишини тобора оширмоқда. Пойтахтимизда фаолият юритаётган "Узэлектроаппарат — Электротрич" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси бунга мисолдир. Ўз фаолиятини 2006 йилда бошлаган "Узэлектроаппарат — Электротрич" очик акциядорлик жамияти турли электротехник маҳсулотлар

(Давоми 2-бетда).

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 30 июль кунини Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Эрон ҳукуматлараро комиссиясининг тўққизинчи мажлиси бўлиб ўтди.

САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Тадбирда икки мамлакатнинг савдо, иқтисодиёт, ёқилги-энергетика, банк-молия, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, озиқ-овқат, кимё, транспорт ва транспорт коммуникациялари, қурилиш, тўқимачилик, фармацевтика, сайёҳлик каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди. Анқуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси Н. Хонов Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида кайд этди. Эрон Ислам Республикаси савдо вазирининг комиссия ҳамраиси Сайид Маъсуд Мирқозийий мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорлик асосига қурилган ҳамкорлик сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-

(Давоми 2-бетда).

Август ойи — пахтадан юқори ҳосил олиш гарови

Газетамизнинг кечаги сонида Ўзбекистон Фермер ҳўжаликлари уюшмасининг август ойида пахтадан юқори ҳосил олиш учун нималар қилиниши кераклиги тўғрисида таъкидлаш чоп этилди. Дарҳақиқат, ушбу чиқишда таъкидланганидек, гўза парваришидаги асосий агротехника тадбирлари шу лойиҳа, яъни деҳқончилик тақвимидаги айни асад ойга тўғри келади. Шу боис мамлакатимиз деҳқонлари бу даврда далага танда қўйишади, десак асло муболага бўлмайди.

ДЕҲҚОН ДАЛАСИДА БЕДОР КҮНЛАР

Кашка воҳаси деҳқону фермерлари ҳар йили мамлакатимизнинг улкан "оқ олтин" хирмонига муносиб улуш қўшиб кўлмақдалар. Вилоятнинг азамат деҳқонлари жорий йилда ҳам ушбу аънавийда ҳосил туганақлари ёнига яна 5-6 тадан қўшқ қўйиш ниятида култивация қилиш, қондириб сугориш, зараркунанда хашаротларга қарши курашни қўйишади. "Шарбат" сувиға қонган ер узок вақт нам сақлайди-да! Эътиборли жиҳати, энг муҳим агротадбирлардан бири — гўза чеканкаси

қилиш мамлакатимизда биринчилардан бўлиб амалга оширилди. Бунда деҳқону фермерларга муносиб иш шартини яратилиб, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турилгани муҳим омил бўлди. Ушбу жиҳатини пахтачилик билан шўғулланаётган 15933 нафар

(Давоми 2-бетда).

«28»-модда. Саноат мулки объекти патентининг амал қилиши тиклаш

Патентни ўз кучида сақлаб турганлик учун патент божи белгиланган муддатда тўланмаганига сабабли амал қилиши тугатилган саноат мулки объекти патентининг амал қилиши патент эгасининг илтимосномасига кўра тикланиши мумкин. Бундай илтимоснома патентнинг амал қилиши тугатилган саноат мулки объектдан тўғридан кейин, бироқ патентнинг ушбу Қонунда назарда тутилган амал қилиш муддати тугагунга қадар Патент идорасига топширилиши мумкин.

Патент эгасининг илтимосномасига патентнинг амал қилиши тиклаш учун белгиланган миқдордаги патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилиниши керак.

Саноат мулки объекти патентининг амал қилиши тикланганлиги тўғрисидаги маълумотлар расмий ахборотномада эълон қилинади.

Саноат мулки объекти патентининг амал қилиши тикланганлиги тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинган сана оралиғидаги даврда саноат мулки объектдан фойдаланишни бошлаган ёки бунинг учун зарур тайёргарлик қўрган шахс ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтирмаган ҳолда саноат мулки объектдан бепул фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади»;

15) **36-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат сирларини ўз ичига олмайдиган ихтиролар ва фойдали моделларни бошқа давлатларда патентлаш тегишли талабнома Патент идорасига топширилган кундан эътиборан уч ой ўтганидан кейин амалга оширилиши мумкин»;

16) **38-моддадаги** «яратиш» деган сўз чиқариб ташлансин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлга киритилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 30 июль
№ УРҚ — 164

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2008 йил

Белгиланган талаблар бузилган ҳолда расмийлаштирилган патент бериш ҳақидаги талабнома юзасидан талабнома берувчига сўров юборилиб, унда шу сўров йўланган саноат эътиборан уч ой ичида тўзатишлар киритилган ёки етишмаётган материалларни тақдим этиш тақлиф қилинади. Агар талабнома берувчи сўралган материалларни ёки белгиланган муддатни узайтириш тўғрисидаги илтимосномани қўрсатилган муддатда тақдим этмаса, патент бериш ҳақидаги талабнома чакриб олинган ҳисобланади. Белгиланган муддат талабнома берувчининг илтимосномасига кўра шу муддат ўтган саноатдан кейин қўли билан ўч қўйишга узайтирилиши мумкин.

Саноат мулки объекти бирлиги талаблари бузилган ҳолда топширилган патент бериш ҳақидаги талабнома юзасидан талабнома берувчига тегишли сўров унга юборилган саноатдан эътиборан уч ой муддат ичида ушбу объектлардан қайси бири қўриб чиқилиши лозимлигини ҳабар қилиш ҳақида тегишича талабнома ҳужжатларига аниқликлар киритиш тақлиф қилинади. Дастлабки талабнома материалларига киритилган бошқа объектлар алоҳида талабномаларга ажратилиши мумкин. Агар талабнома берувчи ушбу объектлардан қайси бирини қўриб чиқиб зарурлигини тақдим этмаса, ихтиро, фойдали модель формуласида ёки саноат намунаси тавсифида биринчи қилиб қўрсатилган объект давлат экспертизасидан ўтказилади.

Давлат экспертизаси сўрови бўйича материалларни тақдим этишнинг талабнома берувчи томонидан ўзлаштирилган муддатлари, белгиланган муддатларни узайтириш мўжарарлигини тақозо этган сабаблар тасдиқланган ва патент божи тўланган тақдирда, Патент идораси томонидан тикланиши мумкин. Ўтказиб юборилган муддатларни тиклаш тўғрисидаги илтимоснома талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган муддат тугаган кундан бошлаб қўли билан ўч қўйишга узайтирилиши мумкин.

Талабнома берувчи саноат мулки объекти тегишли давлат реестрида давлат рўйхатидан ўтказилганга қадар давлат экспертизасининг исталган босқинида патент бериш ҳақидаги талабномани чакриб олиши мумкин.

Патент бериш ҳақидаги талабнома материалларидаги маълумотлар Патент идораси томонидан сир сақланиши керак ва улар ҳақидаги ахборот талабнома берувчи ёки патент эгасининг розилигисиз берилмайди. Талабнома материалларидаги ахборотни ихтиро ҳақидаги талабнома тўғрисидаги ёки фойдали модель ва саноат намунаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумот-

Бозор шароитида ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлиги кўпроқ илм талаб қиладиган, юқори технологияга асосланган ишлаб чиқаришни ривожлантириш даражасига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Иновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган. Давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган вазифаларни ҳал этишга олимларимиз қандай ҳисса қўшмоқда? ЎЗА муҳбири Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институти директори, академик Сайёра Рашидова билан шу ҳақда сўхбатлашди.

ИННОВАЦИЯ — ФУНДАМЕНТАЛ ИЛМ-ФАН МАҲСУЛИ

— Мамлакатимиз бугун улкан илмий ва технологик салоҳиятга эга, — дейди С. Рашидова. — Ушбу салоҳиятни рўйбга чиқариш эса Ўзбекистонни келажақда ҳам барқарор ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Президент Ислам Каримов мамлакатимиз илм-фанини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга доимий эътибор қаратар экан, уни биринчи навбатда, республикада илмий-техник тараққиётга эришиш ва жаҳон бозорига илм талаб ҳамда рақобатбардош ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ёрдам берадиган тадқиқотларни ўтказишга йўналтириш зарурлигини таъкидлайди. Шу сабабли фундаментал илм-фан билан шўғулланган ўз ишлари натижаларини амалда татбиқ этишга интилоқда. Зеро, фундаментал илм-фансиз иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантиришга қўмақлашадиган иновациялар ҳам бўлмайди. Жорий йилнинг баҳорига бўлиб ўтган Биринчи Республика иновация гоғлари ва лойиҳалари ярмаркаси бунинг ёрқин исботидир. Унда ишлаб чиқарувчилар нафақат мамлакатимиз олимларининг истиқболли интеллектуал «маҳсулот»лари билан танишиш, балки иқтисодиётнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш мақсадида шартномалар тузиш имконига эга бўлди. Ярмаркада институтимиз 26 та ўз ишланмаси билан иштирок этди ва 23 та ишланма бўйича уларнинг жорий этиш тўғрисида умумий қиймати 180 миллион сўмга тенг шартнома ва аҳдлашув протоколлари имзоланди. Бу, бир томондан, соҳаларнинг янги, давр талабларига жавоб берадиган технологияларга кат-

(Давоми 2-бетда).

ЖАҲОН

24 соат
ичида

Кўнгилсиз воқеа

Францияда ядровий ёнилги ишлаб чиқариш корхонасида кўнгилсиз воқеа содир бўлди.



РИА "Новости" хабарига айтилишича, зарарли радиоактив моддаларнинг ташқарига чиқиб кетиши натижасида қирқ беш киши захарланиб, касалхонага ётқизилган.

Корхона атрофида яшовчи 127 нафар фуқаро хавфсиз худудларга кўчирилди.

Суриштирув натижалари

АҚШ Адлия вазирлиги томонидан Аляска штати сенатори Устидан олиб борилган тўрт йиллик суриштирув натижалари эълон қилинди, деб хабар беради "Рейтер" ахборот агентлиги.

Сенатор Тед Стивенс коррупцияда айбланмоқда. У штатдаги "VECO" нефть компаниясидан жами 250 миң



АҚШ доллари миқдоридан пора олган.

Жангарилар йўқ қилинди

Туркия ҳарбий ҳаво қучлари Ироқнинг шимолий худудидаги қурд жангарилари базасига ҳужум қилди.

"Франс пресс" ахборот агентлиги тарқатган маълумотда айтилишича, Эрон — Ироқ chegarасидаги Қандил тоғларига яширинган қирққа яқин жангари ҳарбий самолётлар ёрдамида йўқ қилинган.

Эслатиб ўтаем, Туркия парламенти 2007 йилда бу ҳудудда ҳарбий юришлар ўтказиш ҳуқуқини берувчи қонунни қабул қилган эди.

Акциялар сотиб олинди



Россиянинг "Аэропортларни ёнилги билан таъминлаш" (АЭБТ) компаниялари гуруҳи мамлакатдаги йирик "Тесис" авиакомпаниясининг барча акцияларини 10 миллион АҚШ доллари сотиб олди.

АЭБТ бугунги кунда аэропортларга керосинни етказиб бериш бўйича етакчи саналарди. Эндиликда компания ёнилғисиз бутун мамлакатни қамраб олади.

Тўқнашув оқибати

Кеча Филиппинда иккита йўловчи ташиш автобуси тўқнашди. Полиция вакиллари таъкидлашча,

тўқнашув оқибатида 11 киши ҳалок бўлган. Ҳозирда ҳалокат сабаблари ўрганилмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ОРОЛ МУАММОСИ ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ЭЪТИБОРИДА

Женевадаги БМТ Атроф-муҳит муҳофазаси дастури (UNEP) минтақавий ваколатхонасида Орол бўйи минтақасида юзага келган ижтимоий-иқтисодий вазият ҳамда бу ердаги экологик инкирозга бағишланган фотокурғазма очилди.

Тадбирда Дастур экспертлари, Қизил Ҳоч халқаро қўмитаси, Жаҳон метеорология ташкилоти, шунингдек, бошқа қатор халқаро тузилмалар ҳамда Женевада аккредитациядан ўтган дипломатия корпуслари вакиллари иштирок этди.

Кўрғазмада намойиш этилган суратлар иштирокчиларда катта таассурот уйғотди. Уларнинг фикрича, экспозиция Орол бўйи минтақасидаги экологик инкироз, унинг аҳоли, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсирини аниқ ва батафсил очиб беради.

БМТ Атроф-муҳит муҳофазаси дастурининг Европа мамлакатлари минтақавий идораси раҳбари Кристоф Бувьернинг таъкидлашча, Орол инкирози натижасида юзага келган мураккаб вазият минтақа мамлакатлари учун ҳам, жаҳон ҳамжамияти учун ҳам муҳим аҳамият касб этувчи халқаро муаммодир.

"Бизнингча, бу экологик инкироз хусусида бутун дунёда, жумладан, қирқдан зиёд халқаро ташкилот қароргоҳи жойлашган ва нуфузли халқаро марказлардан ҳисобланган Женева шаҳрида ҳам билишлари жуда муҳим. Бинобарин, ушбу ташкилотларнинг ақсарияти табиати муҳофаза қилиш, ижти-


моий-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда фаолият юритиб, мазкур кўрғазмада кўтарилган муаммага у ёки бу даражада дахлдордир, — деди К.Бувьер. — Илгари дунёдаги энг йирик тўртта ички сув хавзасидан бири ҳисобланган Орол денгизининг қуриб бораётганидан ташвишдамиз. БМТнинг атроф-муҳит муҳофазаси билан шуғулланувчи ташкилоти сифатида биз, биринчи навбатда, масаланинг экологик қирраларига эътибор қаратамиз.

БМТ Атроф-муҳит муҳофазаси дастури тараққиёт, хавфсизлик ва ижтимоий-иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш ишларида жабл қилинган халқаро ташкилотлар фаолиятини қўллаб-қувватлайди. Биз Орол муаммоси халқаро эътибор талаб этади, деб ҳисоблаймиз. Бундан эса БМТ Ўзбекистон ва минтақа мамлакатлари учун энг мақбул шариқдир".


К. Бувьер Орол муаммосини ҳал қилиш йўллариини излашда халқаро сая-ҳаракатларни фоллаштириш ҳамда унинг салбий оқибатлари барча жиҳатларини атрофича қуриб чиқишда кўп томонлама ёндашув зарурлигига эътибор қаратади.

«Жаҳон» АА. Женева.

Европа ва Осиё мамлакатларидан пластмассани қайта ишлаш, пластмасса маҳсулотлари ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳамда қадқоқлаш ускуналари ва технологиялари



- етказиб бериш;
- ўрнатиб бериш;
- ишга тушириш;
- бир йил давомида техник хизмат кўрсатиш.



«POLIMER GROUP ASIA»

Телефонлар: +99871 262-51-09, +99890 316-12-53, 327-97-28.

Web: www.powerglob.com
e-mail: info@powerglob.com

УЛЬЯНОВСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ

Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозавоидида ишлаб чиқарилган энгил ва юк автомобилларини ҳамда эҳтиёт қисмларини сотади.

Юк ташувчи УАЗ-3303.

Юк ва йўловчи ташиш учун махсус УАЗ-39625.

Кўшимча кабинали УАЗ-39094.

Фургон УАЗ-3741, юк ортиш учун ҳажми УАЗ-3909, 4x4 МРВ: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомобиласи УАЗ-3962 автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.

Шунингдек, кафолатли техник хизматлар кўрсатилади!

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Тел./факс: 279-30-57, 279-30-58. Манзил: Тошкент ш., «Халқлар дўстлиги» шк., 27-уй.

ҚАДОҚЛАНГАН СУВ — БЕБАҲО НЕЪМАТ...

«Сув — ҳаёт манбаи» иборасини ҳаммаиз кўп эшитамиз. Эшитамиз-у, бироқ мазмун-моҳиятига етарли эътибор бермаймиз.

Дарҳақиқат, сув — ҳаёт манбаи! Сайёрамиздаги барча тирик мавжудот, ҳеч ким ва ҳеч нарса сувсиз яшай олмайдди.

Соғлом бўлиш, шубҳасиз, ҳар биримизнинг истагимиздир. Одам организмининг соғлом фаолияти учун эса сувнинг ўрни ва аҳамияти жуда катта. Одам организмининг муайян қисми сувдан иборат эканлигини эслаганимиздаёқ, ушбу модданинг бекиёс аҳамиятини тушунамиз. Жумладан, бола организмида умумий тана вазнининг 75 фоизини, катта одам организмининг 60-65 фоизини ҳамда кекса одам танасининг 50 фоизини сув ташкил этади. Инсон ҳаётида сувнинг аҳамиятини англаш учун унинг асосий вазифаларини эслаш kifoya.

- Сув:**
- озуқавий моддаларни аъзоларга ташишда;
 - моддаларнинг алмасишуви жараёнида;
 - организмдан кераксиз моддалар ва чиқиндиларни чиқариб ташлашда;
 - терлаш ва нафас олиш ёрдамида организмда ҳароратни назорат қилишда;
 - бўғимлар учун мойлаш воситаси сифатида муҳим ўрин тутди.

- Яна шуни билиб қўйганингиз яхшики:**
- 1 фойз сувнинг йўқотилиши чанқоқни келтириб чиқаради;
 - 3 фойз сувнинг йўқотилиши мушак бўшаши ва ҳолсизликка олиб келади;
 - 10-12 фойз сувнинг йўқотилиши организмнинг иссиқликка чидамлигини пасайтиради ва ҳаддан ташқари ҳолсизланишни юзага келтиради;
 - 20 фойз сувнинг йўқотилиши эса ўлимга олиб келади.

Табиий савол туғилади: организмда оптимал сув балансини сақлаб туриш учун қанча сув истеъмол қилиниши керак?

Муътадил иқлим шароитида яшовчи катта ёшдаги соғлом одамнинг кунлик сув истеъмол қилиш миқдори ўртача 1,5 литрни ташкил этади, бу эса 8 стаканга тенг демакдир. Бироқ шуни ёдда тутиш керакки, сувга бўлган эҳтиёж кўйидаги омиллар таъсирида ўзгариши мумкин:

- тананинг жорий ҳарорати ва иқлим шароити;
- касаллик ёки жисмоний жароҳатлар;
- ҳомилдорлик ва эмизиш даври;
- жисмоний фаолият даражаси (спортчиларда сувга бўлган эҳтиёж юқорироқ);
- ёш (ёш улғайган сари сувга эҳтиёж ортиб боради).

Бугунги кунда сув истеъмолчиларга кенг турдаги танловда тақдим этилмоқда — бу умумий фойдаланиш тизимидаги сув ва қадқоқланган сувдир. Бироқ биз сувнинг фойдалилигини ҳақиқатга яқинроқ эълан қилиш, соғлимизни ҳақиқат қайғурган ҳолда қадқоқланган сувни танлашми, чунки қадқоқланган сув бошқа ичимликларга нисбатан соғлом муқобил танловдир; у умумий ҳолатни яхшилайди, хушбичим қоматни сақлашга ёрдам беради (калорияга эга эмас), бу эса ўз қомати ҳақида қайғурадиган одамларда қизиқиш уйғотади. Спорт машғулотлари билан шуғулланиш жараёнида сув ичиш, организмнинг жисмоний фаолиятини таъминлаш мақсадида оптимал сув балансини тиклашга ёрдам беради. Қадқоқланган сувни танлашимизга яна қатор омиллар туртки бўлади: таъми, хавфсизлиги ва энг муҳими, қўлайлигидир.

Соғлом турмуш тарзи ва қадқоқланган сув ҳақида сўз юритар эканмиз, NESTLE® PURE LIFE® ичимлик сувининг доимо соғлом турмуш тарзи широнини илгари суришини айтиб ўтиш жоиз. Шуни эслатиб ўтиш мумкинки, NESTLE® PURE LIFE® ичимлик суви минералларнинг оптимал балансига эга бўлиб, уни ишлаб чиқариш жараёнида сифат ва жаҳон стандартларига мос келиши учун 26 хил шаклдаги назоратдан ўтказилади. Қадқоқланган сув соғлиқ учун жуда фойдали, бунчи эсда тутинг!

Махсулот сертифициланган.

ТЕНДЕР САВДОЛАРИ МУДДАТИНИНГ УЗАЙТИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ХАБАРНОМА

ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сонли Қарорига асосан аввал эълон қилинган тендерлар бўйича таклифларни қабул қилиш муддати узайтирилганлигини маълум қилади. Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2008 йил 19 август кунги Тошкент вақти билан соат 12.00 да тугайди.

Т/р	Корхонанинг номи	Манзили	Сотиладиган улуш (%)	Бошланғич нархи (миң АҚШ долл.)	Инвестиция мажбуриятлари (миң АҚШ долл.)
1.	«Ўзбекистон шампани» ОАЖ	Тошкент ш.	51,00	2 318,0	1 200,0
2.	«Ўзпахтамаш» ОАЖ	Тошкент ш.	50,00	6 567,5	5 500,0
3.	«Чиноз» дам олиш маскани	Тошкент вил., Чиноз тум.	100,00	250,0	1 000,0
4.	«Шаршара» болалар соғломлаштириш оромгоҳи	Наманган вил.	100,00	249,0	142,5
5.	«Роҳат» болалар соғломлаштириш оромгоҳи	Бухоро вил.	100,00	36,0	50,0
6.	«Ўзбекқўмир» ОАЖ	Тошкент ш.	35,55	30 579,8	232 000,0
7.	«Сарбон-Нефтгаз» ОАЖ	Тошкент ш.	25,00	763,2	800,0
8.	«Жиззах пластмасса» ОАЖ	Жиззах ш.	57,67	3 630,0	5 000,0
9.	«Нақлгамахсускурилиш» ОАЖ	Тошкент ш.	20,00	2 302,0	700,0
10.	«Косон-1 пахта тозалаш» ОАЖ	Қашқадарё вил.	26,00	1 898,8	энг юқори
11.	«Гурлан пахта тозалаш» ОАЖ	Хоразм вил.	26,00	1 222,6	энг юқори
12.	«Хужабод технологик транспорт бошқармаси» ОАЖ	Андижон вил.	25,00	376,053	240,0
13.	«Нефть ва газ қудқларини синаш» ОАЖ	Қашқадарё вил.	22,90	1 981,7	400,0
14.	«Нефтгазтадиқот» ОАЖ	Бухоро вил.	25,00	110,0	940,0
15.	«Қашқадарё технологик транспорт» ОАЖ	Қашқадарё вил.	25,00	3 600,0	2 000,0
16.	«Тошкент иссиқлик электр станцияси» ОАЖ	Тошкент ш.	47,00	7 350,0	135 700,0
17.	«Кўкон спирт» ОАЖ	Фарғона вил., Кўкон ш.	47,00	8 159,0	3 000,0
18.	«Марказий» меҳмонхона мажмуаси	Тошкент ш.	100,00	40 183,3	25 292,4
19.	«Гидромахсускурилиш» ОАЖ	Тошкент ш.	69,00	2 100,0	2 180,0
20.	Бухоро вилояти «Қишлоқхўжалиқим» ҳудудий акциядорлик жамияти	Бухоро вил.	25,00	494,7	1 293,2 млн. сўм
21.	Навоий вилояти «Қишлоқхўжалиқим» ҳудудий акциядорлик жамияти	Навоий вил.	25,00	284,0	156,3 млн. сўм
22.	Жиззах вилояти «Қишлоқхўжалиқим» ҳудудий акциядорлик жамияти	Жиззах вил.	25,00	911,0	496,1 млн. сўм
23.	Хоразм вилояти «Қишлоқхўжалиқим» ҳудудий акциядорлик жамияти	Хоразм вил.	25,00	683,0	113,3 млн. сўм
24.	Фарғона вилояти «Қишлоқхўжалиқим» ҳудудий акциядорлик жамияти	Фарғона вил.	25,00	821,0	1 225,0
25.	«Самарқандким» ОАЖ	Самарқанд вил.	100,00	20 506,0	7 300,0

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Ушбу ҳолда информация меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифи шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Давлат мулки қўмитасига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлиқни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатлари учун белгиланган тўловни Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг куйидаги ҳисоб рақамларидан бирга ўтказиш лозим:

- валюта рақами 20203840500600289001;
- ҳисоб рақами 20203000600600289001;
- Ипак йўли» АИКБ, Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 12-«А» уй.
- ИНН 201122696, банк коди 00444, S.W.I.F.T. коди — INIPUZ22.

Тендер таклифлари очилиши, уларни қабул қилиш муддати 2008 йил 19 август кунги Тошкент вақти билан соат 16.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади.

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиб маросимда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича куйидаги манзилларга мурожаат этишингизни сўраймиз:

Дам олиш масканлари ва болалар соғломлаштириш оромгоҳлари бўйича:
Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг бош бошқармасига, Ўзбекистон Республикаси, 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шохқўчаси, 55-уй. Маматов Одилжон эътиборига.
Телефон: +998 (71) 150-72-13. Факс: +998 (71) 259-20-72. Эл. манзил: www.gki.uz

Кимё саноати соҳаси корхоналари бўйича:
Яқка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси, Ўзбекистон Республикаси, 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шохқўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават. Бош директор в. б. Аҳмеджанов Ҳалил Ҳакимжанович эътиборига.
Телефон: +998 (71) 259-22-51. Факс: +998 (71) 259-22-79. Эл. манзил: ccpbuz@tps.uz

Пахта саноат ва нефть-газ қайта ишлаш корхоналари бўйича:
Корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш бюроси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 100003, Ўзбекистон шохқўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси биноси, 15-қават. Бош директор Набиҳонов Саъдуллаҳон Ҳамидуллаҳонович эътиборига.
Телефон: +998 (71) 259-22-23. Факс: +998 (71) 259-21-42. Эл. почта: eibb@tps.uz

Тўғри танлов!

Сиз-чи бугун NESTLE® PURE LIFE® ичимлик сувида 8 стакан ичдингизми?

9.00 дан 18.00 гача
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Мирзо Улубек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, қасаба уюшмаси қўмитаси ҳамда биология-тупроқшунослик факультети жамоаси микробиология ва биотехнология кафедраси мудири, профессор Мирзаатхам Раҳимовга волидан муҳтарамаси
ЗУМРАДХОН аялини
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ифзор этади.

Қорақалпоғистон давлат университетининг ёнгинасида кўркем бир иморат қад ростлаган. Миллий меъморчилигимиз анъаналари асосида бунёд этилган бу бино жимжимдор нақшлари, салобати ва улугворлиги билан барчанинг ҳавасини келтиради. Бердақ номидаги миллий музей ҳам мазкур бинода жойлашган. Иншоот кўли гул уста, Қорақалпоғистон Меъморлар уюшмаси раиси, Бердақ номидаги Давлат мукофоти соҳиби, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган меъмор Уринбой Тўрениязов лойиҳаси асосида қурилган.



МЕЪМОР САОДАТИ

— Ҳатти олти йил умрини меъморчиликка бағишладим, — дейди уста. — Шу кунгача шаҳар ва қишлоқларимизга кўрк бағишлаб турган 200 дан зиёд иморату иншоот тарихини чизган бўлсам, буларнинг аксарияти мустақиллик даврига тўғри келади. Нокантарликка йўшилмасин бунинг бетақдор дея эътироф этилаётган кўлаб бинолар лойиҳаларини истиқлол бажарган эрдан тўғри ва ифтихор сабаб узгача илҳом ва завқ ила яратганман.

Шукрона

Қорақалпоқ диёрининг кўлаб туманларида бунёд этилган мактаблар, масжиду ёдгорликлар, шифохона ва санаторийлар, завод ва фабрикалар, ҳокимлик идоралари, қопаларса, республика солиқ ва боғжона бошқармалари, «Эл-төкс», «Катекс» сингари муҳташам меъморий ансамбллар Уринбой Тўрениязовнинг истиқлол йилларидаги ижодига даллдир.

Бу улуг неъмат Уринбой ака ҳаётига алоҳида мазмун-моҳият бағишлади, десак муболаға бўлмайди. Негаки, уста бундан ўн беш йил муқаддам хусусий ижодхонаси «Архторус» (Архитектор Тўрениязов устaxonаси)ни ташкил этди. Ушунда 3 нафар инженер-архитектор билан иш бошланган бўлса, ўтган 15 йил ичида устaxonа 20 кишилик катта жамоага айланган. У замонавий асбоб-ускуналар, компьютер жиҳозлари билан тўлиқ таъминланган.

Орузидаги бино тарихини ҳали яратганимча йўқ, — дейди меъмор. Бу эмин-эркин замон бизга ҳали кўп имкониятлар ашигини очувида. Замонавий ёшлар саройлари, осмонубар меҳмонхоналар, дарёю кўллар бўйидаги сўлим сижатгоҳлар, қишлоқларда истироҳат боғлари яратиш орузидаман.

Меъморнинг сўзлари таъсирида ҳаёлимизни ажиб манзаралар банд этади. Шу топда устадан ўз ишининг давомчилари — шоғирдлар хусусида сўраймиз. Бир-икки сония жа-воб излаш асносида у нима-нидир аслаб, кўзлари ёнганча завқланиб сўзлай бошлади:

— Бундан олти йил муқаддам Юртбошимиз Қорақалпоғистон Жўрғи Кенгеси сессиясидаги нутқлари сўнггида меъморчиликнинг қайта таямланшига эътибор қаратган эдилар. Шундай улугвор ишларни амалга оширган усталарга юқори баҳо бериб, меъмор сифатида менга ҳам сўз бергандилар, ушунда. Соҳадаги мавжуд муаммолар билан қизиққан эдилар. Мен ўзимни анчадан бунён ўйлантириб келаётган бир масала, яъни Қорақалпоғистон давлат университетида архитектура бўлимини очиб борасидаги тақлимфини айтгандим. Президентимизнинг эътиборлари тўғрисида университетда шундай бўлим очилди, ҳозир ёшларимиз — бизнинг шоғирдларимиз шу ерда таҳсил олиб, камол томоқдалар. Хатто ўзимнинг фарзандларим ҳам шу ерда билим олаётганликларидан фахрланаман.

Мамлакатимиздаги эзгу ислохотлардан келиб чиқиб, ҳеч иккиланмасдан айтмоқчиманки, бу ёшларимиз эртанги кунимизнинг муносиб давомчилари бўлиб етишадилар, албатта. Олдинки меъмор сифатида мен камтарона меҳнатларим билан обрў топдим, элга танидим. Бу эса юртимиз равнақида хисса қўшмоқчи бўлган ҳар бир инсон эътиборда, эъзозда эканлигини кўрсатади. Истагим шуки, ёшларимиз ҳам иқболи кулганлар сафида бўлишсин...

Меъмор ўзи қурган иморатга боқиб, завқлангани сингари, савоб ва хайрли ишларимиздан руҳланмоқ ҳар биримизга насиб этсин.

Шароф ХУДОЙБЕРДИЕВ:

«МУХЛИСЛАРИМИЗГА ҚУВОНЧ ҲАДЯ ЭТИШ ЙЎЛИДА БОР КУЧ ВА ИМКОНИАТЛАРИМИЗНИ САФАРБАР ЭТАМИЗ»

Бокс оламида Ўзбекистон вакиллари доимо етакчилар сафида бўлган. Мустақиллик йилларида Ўзбек бокс мактабининг шон-шухрати янада юксалиб, ўзининг бор имконият ва салоҳиятини бутун дунёга намойиш этди. Утган давр мобайнида спортчиларимиз жаҳон миқёсидаги энг нуфузли мусобақаларда мингга яқин (368 та олтин, 270 та кумуш, 346 та бронза) медалларни кўлга киритишга муваффақ бўлгани фикримиз далилидир.



Юртдошларимиз жаҳоннинг энг нуфузли рингларини забт этибгина қолмай, балки миллионлаб бокс ихлосмандларининг ҳам меҳр ва эътиборини қозонди. Пекин Олимпиадаси арафасида барчамиз спортчиларимизнинг, айниқса, ёрқин галабали билан бизни «Эркалатиб» юборган боксчиларнинг тайёргарлигини алоҳида эътибор ва умид билан қузатмоқдамиз. «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири тўрт йилликнинг энг йирик мусобақасига тайёргарлик қандай кетаётгани хусусида Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Шароф Худойбердиев билан сўзбатладим.

— Спортчининг кайфиятини, унинг кўнглидан кечаётган жараёнларни фақат мураббийгина тўлиқ ҳис қила олади, тушунади. Мураббий спортчида дадла бериб, унинг ўз кучига бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Айтингчи, жамоанинг кайфияти, ундаги руҳий ҳолат қандай? Йигитлар Олимпиадага тайёрими? Йўқотишлар — жароҳат ва шикастланишлар йўқми?

— Аввало, жамоанинг барча аъзолари соғ-саломат эканини айтиб ўтмоқчиман. Йигитлар мунтазам равишда тиббий курақдан ўтиб турибди. Жамоадаги муҳит — аяло даражада. Ҳамма жанговар кайфиятда. Барча бир-бирини қўллаб-қувватлаб, дадла бериб турибди.

Олимпиадага тайёргарлик кўриш жараёнида уч боксчи йиғинларини ўтказдик. Биринчи боксчи июнь ойида Тошкент вилоятининг тоғли худудларида (Хўжахент туманида) бўлиб ўтди. Иккинчи боксчи эса 30 июндан 17 июлгача қадар шу ердаги Янгибод масканида ўтказилди. Сунгги боксчи пойтахтнинг ўзида кечмоқда. 20 июлда бошланган тайёргарлик жараёни 4 августга қадар давом этади. Боксчиларимиз жуфтлик машғулотлари, тезлик ва жисмоний кучни оширувчи машқ-ларни бажаришяпти.

Жамоамиз еттига Олимпиада лицензиясини кўлга киритишга муваффақ бўлди. Пекинга 48 килограммгача бўлган вазн тоифасида Рафиқ Султонов, Тулашбой Дониёров (51 кг), Хуршид Тожиев (54 кг), Баҳодир Султонов (57 кг), Дилшод Махмудов (69 кг), Элшод Расулов (75 кг) ва Аббос Атоев (81 кг) боради.

— Спортчи ва мураббийлар иримчи бўлиб, олдиндан башорат қилишни ёқтирмаслиги сир эмас. Шундай бўлса-да, Пекиндан қандай натижа кутиб муимкин, деган савол барчани ўйлантирмоқда. Асосий рақибларимиз ҳақида нима дея оласиз?

— Боксчи Олимпиадага бориш ҳақидаги кўлга киритишга умидимиз юқори. Бу спортчининг юқори имконият ва салоҳиятидан далолат беради. Аммо боксда, худди бошқа спорт турларида бўлгани каби, ҳаммаси спортчининг ўзигагина боғлиқ эмас. Биринчидан, галаба йўлида рақиб туради. Шунинг учун мусобақа бошида, қуръа пайтида имкониятлари тенг рақиб билан рингга чиқиш муҳим. Бинобарин, бундай рақиб билан кечадиган беллашув чоғида спортчида ўз кучига бўлган ишонч ортади. У курашнинг «мазасини тотиб», мусобақа гаштини ич-ичидан ҳис қила бошлаганидан кейин уни ҳеч нарса тўхтамай олмайд.

Рақиблар ҳақида гапириб, аввало, Россия ва Куба боксчиларига эътибор қаратиш даркор. Улар бизнинг азалий рақибларимиз. Ушбу мамлакатлар боксчиларининг чиқишларини диққат билан қузатиб боришимиз ва ким нимага қодир эканини яхши биламиз.

— Айрим мутахассислар Ўзбекистон терма жамоаси ҳозир авлодлар алмашинуви жараёнини бошидан ўтказаяпти, деган фикрда. Бу жараён қандай кечаяпти? Янги авлод вакилларида кимларни таъкидлаб ўттиши истардингиз?

— Авлодлар алмашинуви табиий ҳолат. Фаолиятига яқин ясаётган спортчининг ўрнини ёшроғи эгаллайди. Биз ҳам ана шу боксчидан ўтаёт-

миш. Лекин бунда биз мутаносибликни бузмасликка алоҳида эътибор қарата-ёلمиз. Олимпиадага борадиган боксчилар орасида тажрибали спортчилар билан бир қаторда энгигилар юлдузи чарақлаб келаётган йигитлар ҳам бор. Жумладан, 19 ёшида Афина Олимпиадасининг бронза медалига сазовор бўлган Баҳодир Султонов, кўлаб йирик мусобақаларнинг голиб ва совриндорлари Тулашбой Дониёров ҳамда Дилшод Махмудов — кўпни кўрган, тажрибали боксчиларимиз. Барча иштирокчилар орасида ягона амалдаги жаҳон чемпиони Аббос Атоев, ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Элшод Расулов, Хуршид Тожиев ҳамда Рафиқ Султонов эса Ўзбек бокс мактабининг ёш ва умидли вакиллари.

— Аввало, Ўзбекистон чемпионатида галаба қозониш лозим. Ундаги рақобат эса низоғида кучли. Иккинчидан, боксчи «А» тоифадаги халқаро турнирларда яхши натижаларни кўрсатиши керак. Бизда шундай боксчилар борки, мамлакат чемпионатида жуда муваффақиятли иштирок этади, аммо халқаро мусобақаларга келганда ҳаёжон босиб, бор имкониятларини

Айни пайтда боксчиларимиз тайёргарлик ва таъминот даражаси бўйича жаҳоннинг етакчи мамлакатлари вакиллари билан баҳслаша олади. Аммо тараққиёт бир жойда тўхтаб қолмайди. Ҳамма нарса ривожланишга, жумладан, бокс ҳам. Шу босиб биз Ўзбекистон бокс мактабининг ютуқларини мустаҳкамлаш ва миллионлаб мухлисларга қувонч улаштиришда давом этиш йўлида бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

кўрсата олмайд. Лекин Аббос Атоев ҳамда Баҳодир Султонов каби боксчиларимиз ҳам борки, улар учун қаерда, қайси мусобақада қатнашишинг фарқи йўқ — беллашувга улар доимо бор имкониятларини сафарбар этили билан айтганда, «темир асабли», ўта моҳир спортчилар.

— Миллий терма жамоа мураббийи сифатида юртимизда бокс соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг кўлами ҳақида тўлиқ тасаввурга эга-сиз. Эришган натижаларни янада мустаҳкамлаш учун қандай чора-тадбирларга эътибор қаратиш лозим, деб ўйлайсиз?

— Бу ҳақида гапириб, аввало, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан бокс соҳасига қўрсатилаётган катта эътиборни мамнуният билан таъкидлаш-ни истардим. Биз Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон бокс федерациясининг кўмагини ҳаммаша ҳис қилиб келаемиз. Муаммо ва илтимосларимиз доимо теъзорлик билан ҳал этилади. Шу маънода, бизнингча, кўпбал истеъдодли ёшларимизни етиштириб бераётган вилоятлардаги боксчилар тайёрлаш инфратузилмасини янада такомиллаштиришга эътибор қаратиш лозим.

«Жаҳон» АА мухбири
Бобур СОБИРОВ сўзбатлашди.

СИРОЖИДДИН ҲОЗИРЧА ПЕШҚАДАМ

Швейцариянинг Сент-Гален шаҳрида шахмат бўйича ICSC (International committee of silent chess) таснифига жаҳон чемпионати қизгин давом этмоқда.

Унда Германия, АКШ, Islandия, Швейцария, Голландия, Англия, Шотландия, Уэльс, Швеция, Италия, Словения, Венгрия, Латвия, Литва, Польша, Хорватия, Россия, Болгария, Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон, Руминия, Беларусь, Украина, Озарбойжон, Сербия, Бангладеш, Молдова каби жами дунёнинг ўттиздан ортиқ мамлакатидан келган шахматчилар голиблик учун дونا суришмоқда.

Нуфузли мусобақада ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони Сирожддин Зайниддинов, катталар ўртасида Алишер Анаркулов, аёллар ўртасида эса Инобат Чопошова юртимиз ша-рафини ҳимоя қилмоқда.

Аҳамиятлиси, 2004 йили Германияда ICSC (International committee of silent chess) тасни-фига ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпио-нати голиби бўлган Сирожддин Зайниддинов бу сафар ҳам рақибларига ҳеч қандай имкони-ят қолдирмапти. У ҳозиргача ўтказилган 9 тур учрашувнинг 7 тасида галаба қозониб, 2 тасида дуранг натижа қайд этди ва 8 очко билан турнир жадва-лида яқка пешқадам бўлиб ту-рибди. Алишер Анаркулов эса 7 очко билан кучли учликдан жой олган.

Чемпионат ўйинлари 1 август кuni яқунланади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизда тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) тақиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шахридаги собик «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б...), йўл қуришчи, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалиги (МТЗ трактори негизида) техникалари ва махсус техникаларни тақиф этади.

Бунинг учун Минск шахрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз «O'zbekMAZservice» кўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

«МАЗ» ВА «АМКОДОР» ТЕХНИКАЛАРИГА СЕРВИС ХИЗМАТИ КЎРСАТИЛАДИ.

Манзил: 100005, Тошкент ш., Миробод тумани, «В Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 291-64-06, 291-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

ЯНГИЛИК / **ТРАНСАЭРО**

МОСКВА

бизнес класс янги тарифи

Бир томонга

330* евро ва ундан юқори.

* Такса ва йемиллар ҳисобга олинмаган.

Телефонлар: 233-99-35, 233-76-38, 233-27-45.

www.interpress.uz

SMS-пакетлар қулай нархларда

«SMS-пакетлар» хизмати

SMS-пакетлардан бирини танланг ва уни ўз телефонингизда активлаштиринг:

SMS-пакет	Пакетдаги SMSлар сони	Пакет нархи	Пакетни активлаштириш учун USD-номинал
«SMS 60»	60	\$1	*111*017*1#
«SMS 150»	150	\$2	*111*017*2#
«SMS 250»	250	\$3	*111*017*3#

Эслатма:

- * Интеграция SMS-пакетларини активлаштиришдан кейиндан бошлаб 30 кун мобилдаги фонд қилиниши мумкин.
- * Биланга бир вақтининг ўзида негизатанга «SMS-пакет» элави улаши мумкин.
- * Қар бир пакети активлаштиришда абонент ҳисобидан ҳақ қилинади.
- * Халқаро юсувчи SMS-хабарлар ва интернет-провайдерлар қиматларига бўлган SMS-сўровлар улар учун белгиланган тарифлар бўйича нархланади.
- * «SMS-пакетлар» даги хабарларни Ўзбекистондаги барча мобил операторлар абонентлари а юбориш мумкин.

МТС алоқа оператори

Хизматлар лицензияланган

INTER-PRESS ОБУНА ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР 119-0000, 119-8383, 155-0955

Тошкент ш., Навоий к., 13 e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 26421 нухсала босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терлиди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материали

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, ТСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.

Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.

Навбатчи — Ф. Абдулов, Мусахҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Тошпирилди — 21.45 1 2 3 4 5 6 7